



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



МЕДИАСАВОДХОНЛИК БУЙИЧА **ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент 2022

КИРИШ

«Шахснинг ахборот маданияти» ўзи нима? Бу тушунчанинг пайдо бўлиши ахборотнинг замонавий жамиятнинг ҳаётидаги роли ва ўрнининг тубдан ўзгариши, ахборот ҳажмининг кескин ортиши, ахборот-коммуникатсия технологияларнинг (АКТ) инсон ҳаётининг барча соҳаларига ўта тез кириб бориши, ахборот жамиятининг қарор топиши ва ривожланиши билан белгилаб берилган.

Шахснинг ахборот маданияти – инсоннинг умумий маданиятининг таркибий қисм-ларидан бири; шахснинг интегратив қобилияти, АКТ асосида ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва ўзгартириш бўйича кўникмаларни ўзлаштиришда, ва ушбу кўникмалардан ҳам ўқув, касбий фаолиятида, ҳам кундалик ҳаётида стандарт ва ностандарт вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланишда намоён бўлади.

Инсоннинг умумий маданиятининг қирраларидан бири бўлиб, ахборот маданияти ўз моҳиятига кўра интегратив бўлади, у амалда, замонавий инсон фаолиятининг барча соҳаларида: ўқишда, ишда, дам олишда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Демак, ахборот маданияти замонавий инсоннинг муваффақиятли ўқув, касбий ва касбий бўлмаган фаолиятининг, ҳамда унинг ахборот жамиятида ижтимоий ҳимояланганлигининг энг муҳим омилига айланади.

Мавзу: Медиа нима?

Бугун сиз қуйидаги маълумотлар билан танишасиз:

- ✓ Медиа ва ахборот ҳақида тушунча
- ✓ Ахборот саводхонлиги
- ✓ Медианинг ҳаётимиздаги ўрни ва унинг таъсири
- ✓ Медиа ва ахборот саводхонлигини англаш

Ўйлаб кўринг! Тонгда уйғонган вақтингиздан бошлаб, то ухлашга ётгунингизча кун давомида нима қилганингизни ёзиб чиқинг. Ҳар бир ҳаракатни бажариш учун сизга қандай ахборот керак бўлганини ёзинг. Масалан, об-ҳавони эътиборга олиб кийинишингиз учун об-ҳаво маълумотига эга бўлишингиз керак;

Автобусга чиқишдан олдин автобусларнинг иш жадвали ва маршрутлари бўйича маълумот керак бўлади.

Саволларга жавоб беринг: кундалик ҳаётингизда ахборот қанчалик муҳим аҳамиятга эга. Қайси ишларингизни маълум ахборотсиз бажара олмайсиз?



Билиб олинг! Ахборот - фойдаланиш учун қулай бўлган кўринишда тақдим этилган маълумотлардир.

Ахборот саводхонлиги – қарор қабул қилиш ва маълумотга эга бўлиш мақсадида ахборотни олиш, уни тушуниш, баҳолаш (муносабат билдириш), сақлаш ва тақдим этиш учун керак бўлган кўникмалар йиғиндисидир.

Савол: Медиадан фойдаланишда “саводли” бўлиш тушунчаси нимани англатади? Улардан фойдаланиш учун қандай кўникмаларга эга бўлиш лозим?



Ахборот борасида саводхон инсонлар танқидий фикрлаш, ахборотни таҳлил қила олиш, ундан ўз фикрини баён этишда фойдаланиш, жамиятда кечаётган демоктарик жараёнлардан хабардор бўлиш талаб қилинади.



Ахборот манбалари 3 тоифага бўлинади:

Бирламчи манбалар – бу оригинал манбалар бўлиб, улар ахборотни изоҳламайди. Бу ҳисоботлар, оригинал асарлар, қулёзмалар, фотосуратлар, ҳужжатлар, интервью бўлиши мумкин. Масалан:

Иккиламчи манбалар – ахборотни етказиб берувчилар майдони. Бунда ахборот ўзгариши, таҳлил қилиниши ёки умулаштириши мумкин. Бу манба доим ҳам холис ахборотни мужассам этмайди. Иккиламчи манба муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин. Масалан:

Учламчи манбалар - ўзида бирламчи ва иккиламчи манбалардаги ахборотни қайта ишлаб, ўзида мужассамлашган манбалардир. Масалан: реферат, хронологик жадваллар. (Намуна керак)

МУЛОҲА ҚИЛИНГ!

Инсоният пайдо бўлганининг биринчи онларидан бошлаб асосий юмушларидан бири, бў ахборот алмашиш яъни бир-бири билан аввалига имо-ишора кейинчалик эса нутқ ривожлангандан сўнг нутқ орқали информатсия алмашинувини йўлга қўйди. Бундан келиб чиқади инсоният пайдо бўлганидан бошлаб медиа билан хамнафас яшаб келмоқда. Бугун биз медиа ва ахборот саводхонлиги (МАС) асослари билан танишиб чиқамиз. Уларни иложи борича содда ва қисқа қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламиз.



Яъни медиани нима эканлигини бир икки оғиз гап билан тушунтириб бериб бўлмайди у жуда катта қамровли тушунчадир.

Медиа қачон пайдо бўлгани ҳақида жуда кўп тахминлар бор. Агар унинг қоидасидан келиб чиқадиган бўлсак, одамзотга тарихда биринчи ахборотни берган нарсa медиа ҳисобланади. Хуш бў биринчи ахборот ё маълумот ўзи нима бўлган экан? Хаммурапи қонунлари? муқаддас “Қуръон” китоби?, Миср эҳромларидаги иероглифлар кўринишидаги тошларга ўйиб ёзилган биринчи ёзувларими? Балки жарчилардир?

Журналистика олий таълим масканларида журналистиканинг биринчи кўриниши ҳақида гап кетганда, шубҳасиз жарчиларни мисол қилиб келтиришади. Аммо медиа журналистикадан олдинроқ пайдо бўлгани сиз эмас, шундек экан медианинг биринчи кўриниши деб тошдаги битикларни мисол қилиб келтирсак ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Одамлар биринчи тасвирларни тошларга ёзув ё сурат мисолида туширишган ва ушбу тошдаги битиклар ва расмлар бугун бизга тарихни ўрганишда жуда катта ёрдам бериб келмоқда.

Келинг медиани бугунги кунгача бўлган

шаклланишини кўриб чиқамиз.

Тошлардаги битиклар одамзот то ҳайвонлар терисига ёзишни ё қоғозни ихтиро қилгунига қадар. Ундан кейинги босқичга ҳайвонлар терисига ёзилган китоблар ва битиклар уларнинг айримлари бизгача етиб келган ва бугунги кунларда дунёнинг машхур музейларида сақланиб келмоқда. Кейинги босқич медиа олами ривожланиши йўлида энг катта қўл келди ва медиани том маънода янги босқичга олиб чиқди. Ушбу босқич қадимги Хитойда қоғознинг ихтиро бўлиши билан зич алоқадордир. Бугунги кунда ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур этиб бўлмайди. Газета, журнал, китоб булар қоғоз орқали инсоният эришган энг катта ютуқлар десак муболиға бўлмас. Қадимда қоғоз

ихтиро қилингандан сўнг қўлёзма битиклар янада кўпайди. Яна бир босқич журналистика билан зич алоқадор яъни журналистиканинг биринчи кўринишидир. Жарчилар, қадимда ҳар бир подшоҳликда бир неча ўнлаб жарчилар фаолият олиб боришган. Уларнинг асосий вазифаси, уша давр подшоҳларининг амр, фармон, қонун ва эълонларини баланд овозда одамлар кўп тўпланадиган жойларда, баланд овозда аҳолига етказиш бўлган. Театрларни ҳам медианинг бир бўлагига улашади, чунки театрдаги томошалар орқали ҳам аҳоли ўзига керакли маълумотларни олишган ва маъданий ҳордиқ чиқаришаган.

Иоган Гутенберг томонидан чоп машинасини ихтиро қилганидан сўнг китоб ва газеталар шакл жиҳатдан бугунги биз кўриб турган ҳолатга келди. Бу ҳам медиа соҳасида жуда катта ўзгаришлардан бири эди. Александр Попов томонидан ихтиро қилинган радиопрёмник кейинчалик радионинг асосига айланди ва бугун радио медианинг ажралмас қисми ва қадимги жарчилар ўрнини босмоқда.

МУЛОҲА ҚИЛИНГ!

Телевидениянинг пайдо бўлиши, компьютер ва интернет ресурсларини ривожланиш медианинг глобаллашувини янада тезлаштирди ва бугунги кунга келиб медиа ҳар бир хонадонга кириб борди десак муболаға бўлмас. Чунки бугун қўлида телефон, уйида телевизор, радио ёхуд умрида бир марта бўлса ҳам газета варақламаган инсонни топиш амри маҳол.



19-асргача "Медиа"

Саводхонлик ҳақида гап кетар экан биринчи ўринда, кўп китоб ўқиган, саволларга тез жавоб бера оладиган, одоби ва ўзининг ҳуқ атвори билан бошқаларга ўрناق бўладиган одамни тушунамиз.

Саводхонлик ҳақида адабиётларда нима дейишади: “илгари саводхонлик ҳақида гап кетганда инсоннинг маълумоти, унинг ёзма ва оғзаки нутқи, фикрлаш кенглиги ва тафаккури кўзда тутилган бўлса, бугунги кунда ушбу тушунча, инсон фаолиятинг кўп сонли йўналишларини шу жумладан ахборот, медиа ва рақамли коммуникация воситалари билан боғлиқ фаолиятини қамраб олади”

Саводхонлик қайси вақтдан бошланади ёки саводхонликнинг биринчи аломатларини биз қачон қабул қилишни бошлаймиз деган савол пайдо бўлади. Бир буюк инсондан худди шу саволга жавоб сўрашади: “Бизни саводимизнинг боши оталаримиз айтган эртаклардан илдиз олади” яъни биз ёвузлик ва яхшиликни, оқ ва қорани бир биридан ажратишни эртаклардан ўрганганмиз, кейинчалик мактаб, олий таълим маскани, тажриба орқали саводхонлигимиз ортиб бораверади. Ёшлигида эртак эшитиб катта бўлган ёшларда илм олишга бўлган иштиёқ, ҳуқ атволи, характери жихатидан бошқа боллардан тубдан фарқ қилади.

Нима учун бизга медиасаводли бўлиш муҳим?

Биз бугун медиасаводхонлик ХХИ аср одамлари учун энг зарур бўлган кўникма эканлигидан келиб чиқиб ёзаяпмиз. Худди ўқиш, ёзиш қобилияти каби бу жуда муҳим кўникма. Сабаби, бугунги кунда одамлар медиа дунёсида яшайдилар, турли ахборот манбаларидан фойдаланадилар. Албатта, ҳар ким бу маълумот қанчалик фойдали ёки зарарли бўлиши мумкинлигини ўзи ўйлаши керак. Шу маънода менга ахборотлар озиқ-овқатлар билан таққосланадиган метафора жуда ёқади. Биз айниган овқатни емаймиз. Жуда ёғли ёки жуда аччиқ таомни истеъмол қилмаймиз.



МУЛОҲА ҚИЛИНГ!

Албатта, бу масалада инсонни ўзи нимани танлашини ҳал қилиши керак. Ахборотлар ҳам худди шундай. Турли таъмли маҳсулотлар танланиши мумкин, аммо айниган яъни ёлгон маълумотларга эга бўлиш, уларни ўқиш, истеъмол қилиш керак эмас. Назаримда, бу метафора, ахборот дунёсида ҳозир нима содир бўлаётганини жуда яхши кўрсатиб беради. Фаст фуд (тез пишадиган

таом) каби ҳамма нарсани истеъмол қиладиган одамлар бор. Сифатли маҳсулотни танлаб, саралаб ўқийдиган, тинглайдиган одамлар ҳам мавжуд. Аммо, бу маънода қарайдиган бўлсак, инсон учун ахборотдан келадиган хавф озиқ-овқатникидан кам эмас. Агар биз фаст фудни истеъмол қилсак нима бўлади? Биз ортиқча вазни орттириб оламиз. Мободо биз сифати паст маълумотларни ўқисак, унда дунё ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўламиз. Эҳтимол, баъзи фирибгарлар бизни алдаб кетади.



Пост-ҳақиқат нима?

Бугунги кунда пост-ҳақиқат феномени мавжуд, бу шундай изоҳланади: ҳар бир киши ҳар қандай фикрнинг тасдиғини интернетдан топиши мумкин. Бу янги ҳодиса, интернет пайдо бўлгунга қадар бу ҳолат кузатилмаган. Сабаби, ҳамманинг ҳам ўз фикрларини ёза олиш имконияти бўлмаган. Китоб нашри мисолида кўрадиган бўлсак, китоб матни ёзилгандан сўнг, унга бошқа биров тақриз ёзади, муҳаррир эса фикрларни кўриб чиқиб, уларни қайтадан текширади.

Бугунги кунда ҳар бир тармоқ фойдаланувчиси веб-сайт яратиши мумкин. Унда янги аккаунт очиб хаёлига келган нарсани ёзиши мумкин. Интернетда ҳар хил ғалати, баъзида эсанкиратиб қўядиган, даҳшатли қандайдир назариялар пайдо бўлмоқда. Улар гоҳида оддий ва кулгули, бир ёқлама лекин улар динга, масалан, миллатга нисбатан радикал бўлиши мумкин. Бу эса жуда қайғули ҳолат. Интернетнинг очиқлиги кишини ташвишга солади, негаки одамлар ҳали ҳам маълумотлар билан ишлашни ўрганмаган.

Медиасаводхонликни қандай ошириш мумкин?

Инсон учун одатий шу билан бирга оддий кўникмаларга эҳтиёж бор. Маълумотларни элементар текшириш ёки бунга кўникмалар керак. Масалан, аввало, одамларга манбани текширишни тавсия қиламан. Яъни, агар сиз бирон бир янгилик, хабар ёки бирон-бир веб-сайтга иловани учратсангиз: манба ким? Буним ким чоп этмоқда? Буним дўстингиз сизга юборган бўлса ҳам, сиз асосий манбани топишга ҳаракат қилишингиз зарур. Кейин бу ўйлаб топилган, уйдирма янгиликлар сайти бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бунақа ҳоллар ҳам учради, албатта. Ёки бу ишончли бўлмаган баъзи бир аккаунт бўлиши мумкин. Бундай аккаунтларни аниқлашни ўрганиш ҳам жуда муҳим. Бу ҳақда нима дейиш мумкин? Ғалати исмлар, аватарнинг йўқлиги, фотосуратлар ва хабарлар жуда ғалати, масалан: кўплаб репостлари бор. Бундай одамларнинг шахсий фотосуратлари кам бўлади дўстларнинг аккаунтида ҳам қайд этилган фотосуратлари бўлмайди. Масалага принципиал ёндашадиган бўлсак, бу масала асосий манбани топишга арзийди.



Кейин маълумотни ким тарқатганига эътибор беринг: бу қандайдир ғалати аккаунт ёки сайт. Яна бир муҳим ишни қилинг: ушбу мавзу бўйича умуман бирор нарса қидиришга ҳаракат қилинг. Биз одатда талабалар ва мактаб ўқувчилари билан бу ҳақда суҳбатлашамиз. Ҳа, улар ижтимоий тармоқларни жуда яхши билишади, улар бу каби тармоқларда пост ёзишлари, фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин, аммо негандир улар ҳали ҳам Гугле ва Яндекс борлигини унутишмоқда. Шу маълумотдан нусха олиб уни интернетдаги қидирув тизимига қўйишнинг ўзи кифоя. Қидириш механизми ушбу маълумотлар дастлаб жойлаштирилган сайтларнинг рўйхатини топади.



МУЛОҲА ҚИЛИНГ!

Сиз айнан шу усулда фейк яъни сохта маълумотни фош қиладиган мақола топишингиз мумкин. Яъни, қидириш яна бир қадам, жуда муҳимдир. Чунки кўпинча бу сохта нарсалар йиллар давомида айланиб юрибди ва сиз уларни анча олдин қилинганлиги ҳақидаги ёзувларни топишингиз мумкин. Учинчи нарса, мен шубҳали муносабатни ривожлантиришни таклиф қиламан. Бу танқидий фикрлашдир. Танқидий салбий маънода эмас, балки соғлом скептисизм. Нима учун мен бу нарсани ёзган одамга ишонишим керак? Балки текшириб кўриш керакдир.



**Ўқувчи сифатида медиасаводхонлик қўйича қуйидаги
қўникмаларга эга бўлиши керак:**

- ✓ Телефон ва компьютердан фойдаланиш;
- ✓ Қурилма тарихи, телефоннинг фойдали ва зарарли жиҳатлари, фойдаланишдаги меъёрлари билан танишиш;
- ✓ Интернет нима эканлиги, хабарнома ва ижтимоий тармоқ ҳамда телефон суҳбатларида қўлланиладиган тил бирликлари ва уларнинг имлоси ҳақида билиш;
- ✓ Хавфсизлик, огоҳлик, хушёр бўлиш, хавфсизлик қоидалари риоя қилиш;
- ✓ Электрон ахборотлар ва уларни танлаш;
- ✓ Телефонга қарам бўлиб қолишнинг салбий оқибатлари ҳақида хулоса қила олиш;
- ✓ Компютер графикаси соҳаси ва йўналишлари ҳақида маълумот олиш;
- ✓ Рақамли олам, рақамли медиа, технологиялардан тўғри фойдаланиш;
- ✓ Рост ва ёлғон ахборотларни фарқлай олиш, қалбаки ахборотлар тақратишнинг ҳуқуқий оқибатлари;
- ✓ Медиа оламидаги кўзга кўринмас хатарлар ҳақида билиш ва уларни таҳлил қила олиш;
- ✓ Замонавий технологиялардан фойдаланиш, ахборот олиш, эга бўлиш ва унга бўлган масъулият;

✓ Ижтимоий тармоқлар ва улар билан боғлиқ тил бирликлари, уларнинг талаффузи ва имлоси ҳақида билиш;

✓ Ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда мулоқот одобини шакллантириш;

✓ Журналистика соҳасига оид тил бирликлари, берилган матндаги воқеаларга муаллифнинг нуқтайи назарини аниқлай олиш, хулоса чиқариш ва хулосани матнда берилган ҳодисага боғлай олиш

✓ “Рақамли қора туйнук” – девайслардан самарали фойдаланиш;

○ Пул топишнинг замонавий ва содда йўллари: блогерлик ва онлайн маркетинг ва бошқа замонавий тенденциялар;

✓ Дастурчилик касби ҳақида маълумот, соҳага оид тил бирликларини шакллантириш;

✓ Ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий томонлари, ижтимоий тармоқда шов-шув ортидан қувмаслик, ноўрин чиқишлар билан мунозарали вазиятларни юзага келтирмасликни англаш;

✓ Ижтимоий тармоқлардан шахсий ривожланиш йўлида унумли фойдаланиш, ижтимоий тармоқнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш;

✓ Интернет тармоғидаги ахборот уруши, ёлғон маълумотларнинг мақсадини англаш, танқидий таҳлил қила олиш;

✓ Ёлғон ахборот тарқатиш ва унинг оқибатлари ҳақида билиш, жавобгарликка тортилиш асослари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

✓ Медиа-маконда ахборот олиш ва таҳлил қилиш, сохта ахборотлардан ҳимояланиш ва сохта хабарлардан ҳимояланиш;

✓ “Fact-checking” – информация билан ишлашда маълумотларни текширишнинг замонавий усулларида фойдаланиш;

✓ Бузғунчи ғояларига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

✓ Виртуал мессенжерлар ва улардан турли экстремистик оқимларнинг фойдаланиши;

✓ Ўзбекистонда ахборот хуружларининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида билиш;

✓ Интернетда сақланаётган ахборот манбааларининг хавфсизлиги муаммолари, киберхавфсизлик ҳақида маълумотларга эга бўлиш, медиасаводхонликни ривожлантириш;

